

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил июль ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди, Термиз Агро технологиялар ва инновацион ривожланиш институти биносида очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи О.Н.Бегимқулов, судья ёрдамчиси О.Алихановнинг котиблигида, томонлардан Термиз туман прокурорининг ёрдамчиси Э.Ортиқов, судланувчи Э.Ш ва унинг ҳимоячиси “Сурхон Баркамол Имкон” адвокатлар ҳайъати адвокати Қ.Шобердиева, жабрланувчи Ж.Абдуллаев ва И.Шодиеваларнинг иштирокида, Ш.Эга нисбатан 1-1902-2201/72-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ш.Э (Sh.E) - 1997 йил 7 май куни Тожикистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, маълумоти тугалланмаган олий, муқаддам судланмаган, Термиз Агро технологиялар ва инновацион ривожланиш институтида 1-тоифали иқтисодчи бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда вақтинча ишсиз, Термиз тумани “Янги обод” маҳалласи, Боғишамол кўчаси, 207-уйда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди, 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари ва 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И :**

судланувчи Э.Ш ўғирлик жиноятини содир этиб бойлик орттириш мақсадида, 2023 йил 3 февраль куни соат 16:11 ларда Ангор тумани, “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Шодиева Ирода Жўраевнанинг телефон аппаратини бир маротаба фойдаланиш учун олиб, унга “Асакабанк” томонидан берилган 9860 0401 1648 1405 рақамли банк пластик картаси рақамини ўзининг “RedMi-9” русумли телефон аппаратига ўрнатилган “UPay” иловасига улаб олиб, И.Шодиеванинг +99891-233-32-37 телефон рақамига келган тасдиқлаш коддини киритиб, унинг пластик картасидан 500.000 сўм пулларни ўзи фойдаланиб келаётган Жовмиров Шахзодга тегишли бўлган 9860 0401 1682 6344



банк пластик картасига яширин равишда ўтказиб талон-торож қилиб ўтказиб олиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, жабрланувчи И.Шодиевага 500.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, Э.Ш юқоридаги жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмай қолганидан фойдаланиб, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2023 йил 15 март куни соат 19:42 ларда Ангор тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Шодиева Ирода Жўраевнанинг телефон апаратини бир маротаба фойдаланиш учун олиб, унга “Асакабанк” томонидан берилган 9860 0401 1645 5318 рақамли банк пластик картаси рақамини ўзининг “RedMi-9” русумли телефон апаратига ўрнатилган “UPay” иловасига улаб олиб, И.Шодиеванинг +99891-233-32-37 телефон рақамига келган тасдиқлаш кодини киритиб, унинг пластик картасидан 930.000 сўм пулларни ўзи фойдаланиб келаётган Жовмиров Шахзодга тегишли бўлган 9860 0401 1682 6344 банк пластик картасига яширин равишда ўтказиб талон-торож қилиб ўтказиб олиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, фуқаровий даъвогар И.Шодиевага жами 1.430.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, Э.Ш юқоридаги жиноий ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмай қолганидан фойдаланиб, ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан такроран давом эттириб, ўғирлик йўли билан бойлик орттириш мақсадида 2023 йил 15 март куни соат 19:42 ларда Бойсун тумани “Чилонзор” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуллаев Жасур Абдужаббор ўғлининг телефон апаратини бир маротаба фойдаланиш учун олиб, унга “Асакабанк” томонидан берилган 9860 0401 1633 5759 рақамли банк пластик картаси рақамини ўзининг “RedMi-9” русумли телефон апаратига ўрнатилган “UPay” иловасига улаб, Ж.Абдуллаевнинг +99897-552-57-67 телефон рақамига келган тасдиқлаш кодини киритиб, унинг пластик картасидан 5.783.770 сўм пулларни ўзи фойдаланиб келаётган Жовмиров Шахзодга тегишли бўлган 9860 0401 1682 6344 банк пластик картасига яширин равишда ўтказиб талон-торож қилиб олиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, фуқаровий даъвогар Ж.Абдуллаевга 5.783.770 сўмлик моддий зарар етказган.

Судланувчи Э.Ш судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ўзи Термиз Агро технологиялари ва инновацион ривожланиш институтида 2021 йил январь ойдан буён ишлаб келганлиги, хизмат вазифасига институт штатлар жадвалини тузиш ва штат интизомини назорат қилиш, статистик ҳисоботларни ўз вақтида тегишли статистика бўлимларига тақдим қилиш, юқоридаги ташкилотлардан келган хатларга жавоб хати йўллаш ва институт ҳудудида фаолият олиб бораётган ижара ҳуқуқи асосида ишлаётган ЯТТлар билан институт ўртасида ижара шартномаларни тузиш ҳамда тўловларни ўз вақтида тўланишини назорат қилиш кирганлиги, ўзи билан бир хонада ишловчи 1-тоифали



ҳисобчи И.Шодиева билан ёнма-ён ўтиришлиги, ўзи ҳисобчи бўлиб ишлагани учун университет “Асакабанк” билан шартнома қилганлиги, ҳар бир банкнинг пластик рақамини биринчи 8 та рақами бир хил бўлиб, қолган 8 та рақами ўзгарувчан бўлгани учун ўша вақтда бир кўришда ходимларнинг пластик картасини рақамини эслаб қолганлиги, 2023 йил февраль ойининг бошларида ишда бўлганида Ироданинг телефон аппарати стол ёнида турганлиги, ўзи унинг телефон аппаратини олиб фойдаланиб турган кишидай бўлиб телефонида мавжуд бўлган “Урау” иловасига унинг 9860040116481405 банк пластик картасини киритиб унинг ичидаги маблағларни бошқариш учун улаб унинг 91-233-32-37 телефон рақамини киритиб сақлаш тугмасини босганлиги, натижада Ироданинг 91-233-32-37 телефон рақамига тасдиқлаш коди келганлиги, ўзи тасдиқлаш кодини телефонидаги “Урау” иловасига териб унинг банк пластик картасига уланиб олганлиги ва 2023 йил 3 февраль куни унинг пластик картасидан 500.000 сўмни Ш.Жовмировга тегишли бўлган пластик картага ўтказиб олиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатганлиги, ишдан кейин хоналарни йиғиштираётганида Ш.Жовмировнинг пластик картасини топиб олиб, компютерининг тагига қўйганлиги, Ж.Абдуллаев ҳам ўзи билан бирга ишлаганлиги, ўзи унинг пластик картаси рақамини кўриб ёдлаб қолганлиги, 2023 йил март ойининг бошларида унинг телефон аппарати стол ёнида турганлиги, унинг пластик картасини ҳам телефонидаги “Урау” иловасидаги карта қўшиш банди орқали унинг 9860040116335759 рақамли банк пластик картасини териб, унинг 97-552-57-67 рақамини киритганлиги, чунки унинг ушбу телефон рақамига СМС хабарнома ёқилганлиги, ўзи унинг пластик картасини ўзидаги иловага киритиб сақлаш тугмасини босганидан кейин Жасурнинг 97-552-57-67 телефон рақамига келган тасдиқлаш кодини телефонидаги “Урау” иловасига териб, унинг банк пластик картасига уланиб олганлиги, 2023 йил 15 март куни кечки вақт ўзларига ойлик тушганлиги, ишдан чиққанидан сўнг “Урау” иловага кириб, Ж.Абдуллаевнинг 9860040116335759 рақамли пластик картасида мавжуд бўлган 5.783.770 сўм пул маблағларини Ш.Жовмировга тегишли 9860040116826344 рақамли “Асака банк” томонидан берилган пластик картага жами 5.783.770 сўмни ўтказиб олиб, Ангор тумани марказидаги бозор ёнидаги банкамаддан нақдлаштириб олиб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатганлиги, бундан ташқари, 2023 йил март ойининг бошларида И.Шодиеванинг 9860040116455318 рақамли банк пластик картасини улаб олганлиги, 2023 йил 15 март куни кечки вақт ойлик тушганлиги, ишдан чиққанидан сўнг “Урау” иловасига кириб, И.Шодиеванинг 9860040116455318 рақамли пластик картасида мавжуд бўлган 930.000 сўм пул маблағларини Ш.Жовмировга тегишли бўлган 9860040116826344 рақамли “Асака банк” томонидан берилган пластик картага жами 930.000 сўмни ўтказиб олиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатганлиги, ҳозирги кунда қилмишидан чин кўнгилдан



пушаймонлиги, фуқаровий даъвогарларга етказилган зарарни қоплаб берганлиги, уларнинг ўзига нисбатан даъвоси йўқлиги, ёшлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ж.Абдуллаев судда, ўзи Э.Шни 2021 йил декабрь ойидан буён танишлиги, ўзи ва Э.Ш бирга ишлашлиги, ўзини ишхонадан ва “Асакабанк” АТБ га тегишли бўлган 9860 0401 1633 5759 банк пластик картаси берилганлиги, ушбу пластик картасига СМС хабарномани ёқтириб пул ўтказмаларини амалга ошириши учун “Клик” ва “Пейми” иловаларидан фойдаланиб келишлиги, 2023 йил март ойининг бошларида Эргаш телефонини пул тугаб қолганлигини айтиб, ўзидан бир икки мартоба телефонини сўраб фойдаланганлиги, у телефонини олиб, хонадан чиқиб кетиб ташқарида гаплашганлиги, 2023 йил март ойида пластик картасида 5.783.000 сўм пул бўлганлиги, 2023 йил 17 март кунини “Клик” иловасидан кириб пластик картасидан пайнет қилмоқчи бўлганида хисобида пул маблағи йўқлигини кўрганлиги, ушбу ҳолат юзасидан АТБ “Асакабанк”га мурожаат қилиб, пул кириб чиқимларни олганида 2023 йил 15 март кунини соат 19:42ларда 5.783.000 сўм пул бошқа пластик картага ўтказилганлиги қайд этилганлиги, ушбу ҳолат юзасидан ИИБга ариза билан мурожаат қилганида пластик картасидаги пулни ўзи билан бирга ишловчи Э.Ш бошқа пластик картага ўтказиб олганлиги аниқланганлиги, Эргаш пластик картасидан жами 5.783.770 сўм пул кесиб олганлиги, телефонига ўрнатилган 97-552-57-67 телефон рақамига СМС хабарнома ўрнатилган бўлиб, Э.Ш телефонини фойдаланиш учун олган вақтда пластик картасини ўзининг телефонидаги иловага қўшиб, телефон рақамига келган тасдиқлаш коддини киритиб пластик картасига уланиб олганлиги ва ўзига келган СМС хабарномани ўчириб ташлаганлиги, ҳозирги кунда судланувчи Э.Ш ўзига етказилган зарарни қоплаб берганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Жабрланувчи И.Шодиева судда, Э.Шни 2021 йил октябрь ойидан буён танишлиги, ўзи ва Э.Ш билан бирга ишлашлиги, ўзига ишхонадан ва “Асакабанк” АТБ га тегишли бўлган 9860040116481405 ва 9860040116455318 банк пластик картаси берилганлиги, ушбу пластик картасини олган вақтида СМС хабарнома ёқтирганлиги, 2023 йил март ойининг бошларида Э.Ш телефонини пули тугаб қолганлигини айтиб, бир икки мартоба телефонини сўраб фойдаланганлиги, у ўзини телефонини олиб хонадан чиқиб кетиб ташқарида гаплашиб келганлиги, 2023 йил февраль ойида пластик картасида 500.000 сўм пул бўлганлиги, шу вақтда телефонига 500.000 сўм “UPay” иловасидан кесиб олинганлиги ҳақида СМС хабар келганлиги, ўзи дастлаб ушбу пул маблағини кредитига ечиб кетди деб ўйлаганлиги, ўша кун ўзи Э.Шга 500.000 сўм кесиб олинганлигини айтганида у ўзига “ўзим банкдан аниқлаштириб бераман балким кредитингиз учун кесгандир”-деб айтиб, орадан бироз вақт ўтганидан кейин Э.Ш ўзига “опа банкдан сўрадим кредитингиз учун



500.000 сўм кесиб олинган экан”-деб айтганлиги, 2023 йил 15 март куни пластик картасига 930.000 сўм ойлик тушганлиги, шу вақтда ўзини телефонига “UPay” иловасидан 930.000 сўм кесиб олинганлиги ҳақида СМС хабар келганлиги, ўзи Э.Шга пластик картасидан яна “UPay” иловаси орқали 930.000 сўм кесилганлигини айтганлиги у ўзига “кредитингиз учун кесиб олгандур”-деганлиги, ўзи унинг гапига ишонмасдан АТБ “Асакабанк”га қўнғироқ қилиб, “пластик картадан кредит учун пул ечилдими йўқми”-деб сўраганида банк ходимлари “йўқ” деб жавоб беришганлиги,

2023

йил

17 март куни ҳамкасби Жасур ўзига унинг пластик картасидан 5.783.000 сўм пулини кимдир кесиб олганлигини айтиб, туман ИИБга ариза билан мурожаат қилиш учун кетаётганлигини айтганлиги, ўзи ҳам ўша вақтда у билан бирга бориб ариза билан мурожаат қилганлиги, ушбу ҳолат юзасидан АТБ “Асакабанк”га мурожаат қилиб, пул кирим чиқимларни олганида 2023 йил 15 март куни соат 19:42 ларда 930.000 сўм пул маблағи бошқа пластик картага ўтказилганлиги қайд этилганлиги, ўзини пластик картасидаги пулни Э.Ш бошқа пластик картага ўтказиб олганлиги аниқланганлиги, Э.Ш пластик картасидан жами 1.430.000 сўм пул кесиб олганлиги, ҳозирги кунда судланувчи Э.Ш ўзига етказилган зарарни қоплаб берганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Турсунов судда, ўзи Термиз Агротехнологиялар ва инновацион ривожлантириш институтида режа-молия бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келишлиги, Э.Ш ўзи раҳбарлик қиладиган бўлимда 1-тоифали иқтисодчи лавозимида ишлаганлиги, Э.Ш 2021 йил январь ойидан буён ишлаб келишлиги, у томонидан шу вақтга қадар институт раҳбариятига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилмаганлиги ёки молиявий томонидан қийналаётганлигини айтиб ёрдам сўрамаганлиги, бундан ташқари шу вақтга қадар институт ходимлари ва талабалари томонидан унинг устидан шикоят тушмаганлиги, Э.Ш иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича шуғулланмаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини, ҳимоячининг фикрини эшитиб, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Э.Шнинг жиноят содир этганликдаги айби унинг ўзини айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, фуқаровий даъвогарлар Ж.Абдуллаев ва И.Шодиеваларнинг терговдаги ва суддаги кўрсатувлари, гувоҳлар Р.Турсуновнинг суддаги ва терговдаги кўрсатувлари, гувоҳ Ш.Жавмировнинг суддаги кўрсатувлари, жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш тўғрисида қарорлар, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида қарорлар, ашёни кўздан кечириш ва олиш ҳақида баённома, дастлабки тушунтириш хатлари, нарсани ашёвий дали деб эътироф этиш ва жиноят ишига кўшиш ҳақида қарор, жиноят



ишининг бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳақида қарор ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчининг жиноий қилмишини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан Э.Шнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди, 169-моддаси 3-қисми “б” банди ва 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, бироқ 2023 йил 15 март куни И.Шодиевнинг 930.000 сўм пулларини яширин равишда такроран талон-торож қилганлик айб эпизоди юзасидан ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасида, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарори 4-бандида, жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозимлиги, бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Э.Ш умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган жиноий ҳаракатларини амалга ошириб, жабрланувчи И.Шодиевнинг жами 1.430.000 сўмлик пулларини Ш.Жовмировга тегишли бўлган банк пластик карточкасига ўтказиб олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган. Унинг ушбу ўғирлик жиноятини содир этишдаги ҳаракатлари умумий қасд билан қамраб олинган жиноят ҳисобланади.

Шунга кўра, Э.Шнинг 2023 йил 15 март куни И.Шодиевнинг 930.000 сўм пулларини яширин равишда талон-торож қилганлик айб эпизоди юзасидан ҳаракатларида такроранлик белгиси йўқлиги сабабли унинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандини чиқаришни лозим топди.

Шу билан бирга суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида агар шахснинг содир этилган қилмишида ушбу Кодекс Махсус қисми айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо



белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилиши кўрсатилганлигини инобатга олиб, судланувчи Э.Шнинг жиноятлар мажмуи бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбли деб топилиб, жазо тайинланиши лозим деган хулосага келди.

Суд, судланувчи Э.Шнинг айбига иқрорлиги ва қилган ишидан пушаймонлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси йўқлигини, ёшлигини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олиш лозим. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи Э.Шга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги белгиланганлигини, ёшлигини, айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б”



бандлари билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ва унга нисбатан муайян тақиқлар (чеклашлар) қўллашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;

- ашёвий далил тариқасида олинган Термиз тумани ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган Э.Шга тегишли бўлган 900.000 сўмлик “Redmi-9” русумли телефон апаратини ҳукм қонуний кучга киргач мусодара қилиниб, давлат эгалигига ўтказишни;

- ашёвий далил деб эътироф этилган Термиз туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган Ш.Жавмировга тегишли бўлган 9860 0401 1682 6344 рақамли банк пластик картасини ҳукм қонуний кучга киргач “Асака Банк” АЖ Сурхондарё филиалига топширишни;

- фуқаровий даъвогарлар И.Шодиева ва Ж.Абдуллаевларнинг судланувчи Э.Шга даъвоси йўқлигини қайд этишни лозим топди.

Бинобарин, юқорида баён қилинганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 298, 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

**Ш.Э (Sh.E)нинг** айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди чиқарилсин.

Ш.Э Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ш.Эга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, соат 22 дан 6.00 га қадар Термиз тумани “Янги обод” маҳалласи Боғишамол кўчаси 207-уйдан чиқиши чекланган ҳолда 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Шунингдек, унга нисбатан қуйидаги маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча тақиқ (чеклашлар) қўлланилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб, ушбу турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органда ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш ва унинг хулқи устидан назорат олиб бориш Термиз туман Ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.

Ш.Эга жазони ўташдан қасддан бўйин товлаганда, суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси



6-қисмида кўрсатилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши ва жазонинг ўталмаган муддати бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ш.Эга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган Термиз тумани ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган Э.Шга тегишли бўлган 900.000 сўмлик “Redmi-9” русумли телефон аппарати ҳукм қонуний кучга киргач мусодара қилиниб, давлат эгалигига ўтказилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Термиз туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган Ш.Жавмировга тегишли бўлган 9860 0401 1682 6344 рақамли банк пластик картаси ҳукм қонуний кучга киргач “Асака Банк” АЖ Сурхондарё филиалига топширилсин.

Фуқаровий даъвогарлар И.Шодиева ва Ж.Абдуллаевларнинг судланувчи Э.Шга даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида, судланувчи ва фуқаровий даъвогарлар ҳукм нусхасини қўлга олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича туман суди орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**О.Н.Бегимқулов**

